

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 23 » декабрь 2019 у.

№ 1027

Toshkent sh.

**Жиззах вилоятида замонавий агрологистика комплексини
ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Жиззах вилоятида мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни жадал ривожлантириш, юқори сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, келгусида уларни йирик хорижий бозорларга йўналтириш, шунингдек, янги иш ўринлари яратишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. “BMB Trade Group” (Ўзбекистон) ва “Национальная резервная корпорация” (Россия Федерацияси) компанияларининг Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманида замонавий агрологистика комплексини барпо этиш мақсадида масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “BMB-NRC Agrologistics” Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасини (кейинги ўринларда агрологистика комплекси деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги қуйидагиларни назарда тутувчи таклифи маъқуллансин:

хорижий инвесторлар маблағларини жалб қилиш ҳисобига 10 минг тонна сизимга эга бўлган музлаткичли камералар ва омборлар ташкил этиш ҳамда шок усулда музлатиш, қайта ишлаш, калибрлаш, саралаш, қадоқлаш ва мева-сабзавотларни куриштиш ускуналарини ўрнатиш;

мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, саклаш, шунингдек, божхона, банк, логистика, экспресс-лаборатория, фитосанитар, ветеринар, санитар-эпидемиологик, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни “ягона дарча” тамойили бўйича кўрсатиш, Россия Федерацияси ва бошқа хорижий давлатлар бозорларига хўл ва қайта ишланган тайёр маҳсулотларнинг экспортини амалга ошириш;

хорижий инвестицияларни, халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш ва бошқа манбалар ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бирламчи ва чуқур қайта ишлаш ҳамда жамғаришни ташкил этиш, шунингдек, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

2. Жиззах вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда агрологистика комплекси ҳудудигача транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини жадал ривожлантириш дастурини бир ой муддатда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. **“Жиззах вилоятида замонавий агрологистика комплексини ташкил этиш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Божхона расмийлаштируви тартиб-таомилларини тезкор амалга ошириш ҳамда агрологистика комплекси ҳудудида барча турдаги хизматлар “ягона дарча” тамойили асосида кўрсатилишини таъминлаш мақсадида бир ой муддатда агрологистика комплекси ҳудудида:

Давлат божхона қўмитаси – божхона ҳужжатларини расмийлаштириш ва бериш пунктини;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси – ўсимликлар карантини соҳасида рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш ва бериш пунктини;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ва “Ўзстандарт” агентлиги – халқаро стандартларга мувофиқ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўлақонли синовдан ўтказиш ҳамда тегишли сертификат ва санитария-эпидемиология экспертизаси хулосаларини беришни таъминловчи замонавий синов лабораториясини;

“Ўзбекэкспертиза” АЖ – ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси кодлари бўйича товарларни таснифлаш бўйича хизмат кўрсатиш, рўйхатдан ўтказиш ва товарнинг келиб чиқиш сертификатларини бериш пунктини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. 2023 йил 1 январга қадар:

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва агрологистика комплекси томонидан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган хомашё, ускуналар, махсус транспорт воситалари ва техникалар учун божхона тўловлари (қўшилган қиймати солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан;

агрологистика комплексига чет элдан жалб қилинадиган мутахассислар – жисмоний шахслардан олинадиган фойда солиғи тўлашдан озод этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев ва Жиззах вилояти ҳокими Э.А. Салиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “ 23 ” декабрдаги 1027 - сон қарорига
илова

**“Жиззах вилоятида замонавий агрологистика комплексини ташкил этиш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Тадбир номи	Бажариш муддати	Масъуллар	
			Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамасидан
I. Лойиҳани бошлаш учун ташкилий тадбирлар				
1.	Агрологистика комплекси чегарасигача бўладиган транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурини тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш (ташқи йўллар, темир йўл линияларини қуриш, электр, газ, сув ва иссиқлик таъминоти коммуникацияларини ички алоқасигача етказиш).	2020 йил январь	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Ходжаев), Молия вазирлиги (Ишметов), Транспорт вазирлиги (Маҳкамов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Содиқов), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев), Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев)	А.Равшанов, Ш.Абидов, А.Ортиқов, Ш.Саматов
2.	Бюджет маблағлари ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан зарур ташқи, ишлаб чиқариш майдончасидан ташқари муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш.	2020 йил январь	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Ходжаев), Молия вазирлиги (Ишметов), Транспорт вазирлиги (Маҳкамов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Содиқов), Энергетика вазирлиги (Султанов), Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев)	А.Равшанов, А.Ортиқов, Ш.Абидов, С.Абдуллаев, Ш.Саматов

Т/р	Тадбир номи	Бажариш муддати	Масъуллар	
			Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамасидан
3.	Мухандислик-коммуникация инфратузилмаси объектларини ва сув таъминоти, канализация, электр таъминоти, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти, телекоммуникациялар, шунингдек, агрологистика комплекси чегарасигача бўлган автомобил йўлини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.	2020 йил январь	Жиззах вилояти ҳокимлиги (Салиев), “BMB-NRC Agrologistics” МЧЖ, Молия вазирлиги (Ишметов), Транспорт вазирлиги (Маҳкамов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Ходжаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Содиқов), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев)	Ш.Абидов, А.Равшанов, А.Ортиқов, С.Абдуллаев, Ш.Саматов
4.	Агрологистика комплекси ҳудудида божхона пунктини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тайёрлаш ва киритиш. Божхона расмийлаштируви, декларациялаш, сертификатлаш, санитария-эпидемиология назорати ва товарларни божхона расмийлаштируви жараёнида иштирок этувчи бошқа ташкилотларнинг фаолиятини бир вақтнинг ўзида амалга оширишни таъминлайдиган “ягона дарча” тамойили бўйича экспорт таъминоти билан боғлиқ тартиб-таомилларни амалга ошириш механизминини жорий этиш.	2020 йил январь	Давлат божхона қўмитаси (Азимов), “Ўзстандарт” агентлиги (Саттаров), Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (Эргашев), Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги (Алматов), “Ўзбекэкспертиза” АЖ (Зокиржонов), Молия вазирлиги (Ишметов)	Ж.Тургунов, А.Равшанов, Ш.Саматов, А.Ортиқов, К.Ризаев
5.	Агрологистика комплекси ҳудудида озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўлақонли таҳлил қилиш ва синовдан ўтказиш бўйича замонавий лаборатория ташкил этиш.	2020 йил IV чорак	“BMB-NRC Agrologistics” МЧЖ, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги (Алматов), “Ўзстандарт” агентлиги (Саттаров), “Ўзбекөзиковкатхолдинг” ХК (Жалилов)	А.Равшанов, К.Ризаев, Ш.Саматов

Т/р	Тадбир номи	Бажариш муддати	Масъуллар	
			Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамасидан
6.	Россия Федерациясига янги ва қайта ишланган тайёр маҳсулотлар экспортини тезкор ва тўсиқсиз амалга ошириш учун Агрологистика комплекси ҳудудида Россельхознадзор пунктини жойлаштириш.	2020 йил IV чорак	“BMB-NRC Agrologistics” МЧЖ, Ўсимликлар карантини бўйича давлат инспекцияси (Эргашев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев)	А.Равшанов
II. Агрологистика комплексини қуриш				
7.	Агрологистика комплекси лойиҳасини амалга оширишни молиялаштириш (устав капиталини, иш ҳақи фондини шакллантириш).	2020 йил январь	“BMB-NRC Agrologistics” МЧЖ	А.Равшанов
8.	Пудратчи ташкилотдан ташқи муҳандислик коммуникация тармоқлари объектларини “BMB-NRC Agrologistics” МЧЖ бошқарувига ўтказиш.	2020 йил IV чорак	Жиззах вилояти ҳокимлиги Салиев), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Ходжаев), Транспорт вазирлиги (Маҳкамов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Содиқов), Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев)	А.Равшанов, Ш.Абидов, С.Абдуллаев, Ш.Саматов
9.	Агрологистика комплексида қурилиш ишларини амалга ошириш ва ускуналарни ўрнатиш. Агрологистика комплексини ишга тушириш.	2020-2021 йиллар 2021 йил IV чорак	“BMB-NRC Agrologistics” МЧЖ	А.Равшанов
III. Лойиҳанинг амалга оширилишини оммавий ахборот воситаларида ёритиш				
10.	Лойиҳанинг энг муҳим боскичлари: босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғида, оммавий ахборот воситаларида қўллаб-қувватлашни ташкил этиш режасини тайёрлаш, тайёргарлик ишлари ва агрологистика комплексининг ишга туширилиши.	Тадбирлар режасига мувофиқ	ЎЗА (Кучимов), МТРК (Ходжаев), “Дунё” ахборот агентлиги, “BMB-NRK Agrologistics” МЧЖ	Б.Ахмедов, Ш.Сулаймонов, С.Абдуллаев, А.Равшанов

Т/р	Тадбир номи	Бажариш муддати	Масъуллар	
			Вазирлик ва идоралар	Вазирлар Маҳкамасидан
11.	“BMB-NRC Agrologistics” МЧЖ бошқарув раҳбарият бўғинини таклиф қилган ҳолда Россия-Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлиги, фаолияти ва Россия-Ўзбекистон ишбилармонлик Кенгаши фаолиятини ёритишни тадбирлар дастурига киритиш.	Тадбирлар режасига мувофик	Ташқи ишлар вазирлиги (Неъматов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Кудратов), Россия-Ўзбекистон Бизнес кенгаши, “BMB-NRC Agrologistics” МЧЖ	Ш.Сулаймонов, Ж.Тургунов, А.Равшанов
IV. Агротехника комплексини ишга тушириш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилишининг назоратини ташкил этиш				
12.	Лойиҳани амалга ошириш жараёни тўғрисида маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Ҳар чорак якуни бўйича	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Ходжаев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев), “BMB-NRC Agrologistics” МЧЖ	А.Равшанов